МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИ ОРАСИДА МАЪНАВИЙ БЕГОНАЛАШУВНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИДЕНТИВ ТАРБИЯВИЙ МАҚСАДЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

(1-мақола)

З.Азимова, И.Қуронова

Мақолада мактабгача таълим йўналиши талабаларида муайян маънавий-ахлоқий муносабатларни шакллантиришда кафолатланган натижага эришишнинг интеграл педагогик жараёни, талабалар орасида маънавий бегоналашувни олдини олишнинг самарадорлиги ва бу жараёнда идентив тарбия мақсадларининг асосий йўналишлари борасида сўз боради.

Таянч сўзлар: *олий таълимда инновация, мактабгача таълим йўналиши талабалари, интеграл педагогик тизим, маънавий-ахлоқий тарбиянинг сифат кўрсаткичлари, идентив тарбиявий мақсад, маънавий-ахлоқий фазилатнинг диагностик кўрсаткичи.*

В статье освещен интегральный педагогический процесс гарантированного достижения результата в формировании определенных духовно-нравственных отношений у студентов направления «Дошкольное образование», рассматривается эффективность профилактики нравственного отчуждения среди студентов и основные направления идентивных установок в данном процессе.

Ключевые слова*: инновации в высшем образовании, студенты направления «Дошкольное образование», интегральная педагогическая система, качественные показатели духовно-нравственного воспитания, идентивная воспитательная цель, диагностический показатель духовно-нравственного качества.*

The article deals with issues of forming spiritual and moral relations and guaranteed results on the students of the direction preschool education and the integral pedagogic pracess, profilactics and efficiency of spiritual alienation among students and the mean directions of identive education in this process.

Key words:*innovation in higher education, students of the direction «Preschool education» integral pedagogic system, quality indices of education, identive educational purpose, diagnostic indices of spiritual and moral features.*

Баркамол шахс, малакали мутахассисни шакллантириш нафақат педагогик, балки ижтимоий заруриятга ҳам айланди. Шу боис бу йўлда ижтимоий-педагогик ҳаракатни ташкил этиш олий таълим тизими олдида турган устувор вазифа ҳисобланади. Зеро, ёшларга қаратилган мафкуравий таҳдид турларининг кўпайиб бораётгани олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган тарбиявий ишларни интеграл педагогик тизим асосида, яъни ёшлар орасида маънавий бегоналашувнинг олдини олишда тарбиявий натижани кафолатли аниқлаш, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш вазифасини кун тартибига қўймоқда.

Жамият аъзоларида маънавий фазилатларни шакллантириш бўйича педагогик жараённинг пойдеворини мактабгача таълим муассасалари педагоглари қўяди. Шундай экан, уларни талабалик давридаёқ ушбу жараён учун зарур педагогик-психологик билимлар билан қуроллантириш керак.

Баркамол шахс тарбияси – мактабгача таълим йўналиши талабаларини республика мустақиллигини мустаҳкамлашга қодир, юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга шахс, юқори компетентли мутахассис ва Шахс этиб тарбиялашга қаратилган, ўзаро узвий ва узлуксиз таркибий қисмлардан ташкил топган дастурий педагогик тизимнинг фаолият жараёнидир. Мазкур тизимнинг интегратив жиҳати тарбиявий ишлар соҳасида лойиҳалаштирилган натижани кафолатлашга қаратилган педагогик жараёнлар, воситалар, методлар мажмуи сифатида намоён бўлади. Шу сабабли биз мақоламизда ушбу тизимга воситалар эмас, балки мактабгача таълим йўналиши талабаларида муайян маънавий-ахлоқий муносабатларни шакллантиришда кафолатланган натижага эришишнинг интеграл педагогик жараёни сифатида ёндашдик.

Тарбия жараёни олий таълим муассасаларида таълим-тарбия бирлигига асосланиб, олий таълим тизимига параллел равишда ташкил этилади. У талабаларда сиёсий, ғоявий, маънавий-ахлоқий, жисмоний фазилатларни, шунингдек, миллий характерни шакллантиради. Шундай экан, бу жараён ўта аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаш асосида амалга оширилмоғи зарур. Бу эса олий таълим тизимида амалга ошириладиган ҳар бир тадбирнинг аниқ натижасини кафолатлай олишига эътиборни қаратиш, мақсадга мувофиқ амалга оширилишини назорат қилиш ва самарадорлигини таҳлил қилишни талаб этади. Тизимнинг муваффақияти таълим ва тарбия ўртасидаги ўзаро интеграциянинг «узлуксиз тарбия объекти ва субъекти» бўлган шахс – талаба камолини шакллантиришга кўрсатувчи самарали таъсирига боғлиқ.

Талабалар орасида маънавий бегоналашувнинг олдини олиш улар ахлоқий муносабатларига педагогик таъсирнинг самарасига боғлиқ. Ушбу педагогик шарт-шароитни таъминлаш мақсадида муаммони ўрганиш ва ҳал қилишда биз талабалар маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришга шахснинг ички маънавий дунёси маънавий эҳтиёж, маънавий қизиқиши, маънавий фаолияти ва маънавий қадрият каби компонентлардан иборат интеграл тузилма сифатидаги концептуал ёндашувдан келиб чиққан ҳолда шахс маънавий дунёси ички тараққиёти моделини ишлаб чиқдик (1-чизма).

1-чизма

Шахс маънавий-ахлоқий фазилатларининг ички тараққиёти



1) маънавий-ахлоқий эҳтиёжлар, 2) маънавий-ахлоқий туйғулар, 3) маънавий-ахлоқий муносабатлар, 4) маънавий-ахлоқий қадриятлар.

Бунда талабанинг маънавий-ахлоқий эҳтиёжлари маънавий-ахлоқий қизиқишлари билан интеграциялашиб, талаба муносабатларида намоён бўлади ва натижада маънавий қадрият кристаллашади ва ўз навбатида кейинги - юқори маънавий-ахлоқий эҳтиёжнинг пайдо бўлишига асос бўлади. Маънавий ривожланишнинг бу цикли узлуксиз давом этади.

Интеграл педагогик тизимнинг асосий мезонлари иш сифати ва самарадорлигида намоён бўлади. Ҳар қандай тизим самарадорлиги ижтимоий ва иқтисодий афзаллигига кўра баҳоланади. Шу боис ҳам мактабгача таълим йўналишида баркамол шахсни тарбиялаш тизимининг самарадорлигини баҳолашда ҳам кўпроқ ижтимоий афзалликларга эътибор қаратилади. Зеро, тизимнинг амал қилиши натижалари таълим, тарбия, ижтимоий-маданий даражани юксалтириш, маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш, шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун интеграл педагогик шарт-шароитларни яратиш, салбий кўринишдаги ҳолатлар (ахлоқбузарлик, ҳуқуқбузарлик, носоғлом турмуш кечириш, маънавий бегоналашув ва ҳоказолар)ни бартараф этишга йўналтирилган фаол педагогик жараён самараси сифатида намоён бўлади.

Шу билан бирга тизимнинг тўлақонли амал қилиши иқтисодий самарани ҳам кафолатлайди. Бинобарин, жамиятда ўзаро бирлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка асосланган маънавий-ахлоқий муносабатлар-

нинг қарор топиши, ижтимоий дезинтеграциянинг бартараф этилиши, яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларининг амалга оширилиши, соғлом рақобатнинг юзага келиши аҳоли, жумладан, жиноятчилик, коррупциянинг олдини олиш, террористик ва диний экстремистик ҳаракатларга қарши курашишга сарфланаётган маблағни тежашга имкон беради.

Манбалар мактабгача таълим йўналиши талабалари орасида маънавий бегоналашувни олишда интеграл педагогик тизимнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги икки ҳолат билан баҳоланишини кўрсатади:

1) тизимнинг амал қилинишига кўра самарадорлиги (натижанинг назарий ва амалий аҳамияти (ижтимоий фойдалилиги) билан ижобий натижаларни қўлга киритиш мақсадида сарфланган харажатлар ўртасидаги фарқ);

2) истиқболда жамият томонидан эришилиш эҳтимоли кўзда тутилаётган муваффақиятларга кўра самарадорлиги (тизимнинг амалиётдаги татбиқи ҳисобига сарф-харажатлар ҳажмининг камайишини ифодаловчи кўрсаткичлар).

Ўзбекистонни ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишларидан бири – олий таълим жараёнида баркамол шахсни тарбиялаш тизимининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги қуйидаги омиллар ҳисобига таъминланади:

биринчидан, олий таълим муассасаларида баркамол шахсни тарбиялаш, уларда маънавий-ахлоқий сифатларни ҳосил қилиш, ижобий характер хусусиятларини интеграл диагностика қилиш, шакллантириш, жисмоний камолотини таъминлашга оид назарий-методик манбаларнинг яратилиши;

иккинчидан, олий таълим муассасаларида ижодий, соғлом психологик муҳитнинг қарор топиши;

учинчидан, баркамол шахс тарбияси учун масъул субъектлар (оила, таълим муассасалари, маҳалла, жамоат, давлат ва нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, институт, университет микромуҳити) ўртасида мустаҳкам алоқанинг юзага келганлиги, ҳамкорликнинг ўрнатилганлиги;

тўртинчидан, таълим муассасаларида шахснинг маънавий-ахлоқий ривожланиши учун зарур педагогик шарт-шароитларнинг мавжудлиги;

бешинчидан, ёшларни ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатдан қайта тарбиялашга сарфланаётган иқтисодий маблағ ҳамда вақт миқдорининг камайиши шулар жумласидандир.

Тизим сифати мактабгача таълим йўналиши талабалари орасида маънавий бегоналашувнинг олдини олишда қўлланаётган дастур, махсус методика, шунингдек, аудитория ва маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни ташкил этишга оид ўқув-методик ишланмаларнинг амалийлиги (амалиётга мос келиши) билан тавсифланади.

Тизим самарадорлигини қуйидаги методика, шакл, метод ва воситалар интеграцияси ёрдамида ўрганиш мумкин:

1) талабалар маънавий-ахлоқий муносабатларининг интеграл диагностикаси;

2) гуруҳ мураббийси, устоз фаолиятини педагогик профессиограмма ва объектив кўрсаткичлар асосида баҳолаш;

3) педагогик кузатиш;

4) олий таълим муассасаларининг фаолиятини ёритувчи меъёрий ҳужжатларни ўрганиш;

5) социометрик, интегратив диагностика (педагогик вазиятлар, кузатиш, анкета, ижтимоий сўров, интервью);

6) ташхис методлари (оғзаки сўров, тестлар (тест-сўров, тест-топшириқ, проектив тест));

7) педагогик ҳамда психологик тажрибалар;

8) тарбияланувчиларнинг характерини ўрганиш; уларнинг фазилатлари тадрижини ўрганиш; психологик тестлар - К.Юнг («Шахс характери типини аниқлаш»), Рокич («Аҳамиятли қадриятлар»), Айзенк методикалари);

9) «Тарбияланганликни ўрганишнинг педагогик-психологик дастури», «Талабанинг ижтимоий-психологик портрети», «Педагогик тавсифнома», «Гуруҳ мураббийси фаолияти тўғрисида»ги Низом, «Социологик-психологик хизмат кўрсатиш», «Маънавий-маърифий ишларни моделлаштириш», «Тарбияланганлик даражаларини баҳолашнинг математик-статистик методикаси», «Касбий ва шахсий баркамол талаба модели»;

10) педагогик матбуотни ўрганиш;

11) моделлаштириш (лойиҳалаш);

12) талабаларнинг ёшига мос равишда миллий ғоянинг маънавий-ахлоқий талабларининг намоён бўлишини таҳлил қилиш;

13) эксперт баҳолаш ва бошқалар.

Бунда интеграл диагностика натижаларини қайд этишда рақамли индекслар, шкалалар, турли шартли белгилардан фойдаланилади.

Тарбияланганлик даражасини баҳолашда шахснинг алоҳида фазилатларига асосланган маънавий-ахлоқий йўналиши алоҳида ҳисобга олиниши лозим. Шахснинг алоҳида олинган маънавий-ахлоқий фазилатлари умумий ахлоқ йўналиши билан узвийликда қаралади.

Анъанавий педагогик ёндашувда таълим ва тарбия мақсадлари умумий характерга эга бўлиб, улар бўлажак тарбиячининг субъектив педагогик билимлари ва талаблари асосида чекланиб келаётган эди. Интеграл педагогик тизимга асосланган тарбиявий ёндашувда олдиндан лойиҳалаштирилган идентив натижаларга эришиш талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизими самарадорлигини белгиловчи қуйидаги технологик шартлар, сифат кўрсаткичлари ва баҳолаш орқали амалга оширилади (1-жадвал).

1- жадвал

Талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизими самарадорлигини аниқловчи интегратив кўрсаткичлар

Даража	Сифат кўрсаткичлари	Баллдаги баҳо
Оптимал (нормал-намунавий)	Педагогик тизим изчил бошқарилади, тарбияланувчиларнинг шахсий сифатлари интеграл диагностика қилинади, мавжуд маънавий-ахлоқий муносабатлар тартибга солинади. Тизим элементларининг ўз вазифаларини бажариш ва улар ўртасидаги ҳамкорлик юқори даражада таъминлаган. Тарбиянинг оптимал методика ва технологиялари қўлланилади, тизимнинг барча элементлари ўз тарбиявий функцияларини самарали бажаради. Тизим тарбия жараёнининг оптимал кечишини таъминлайди.	10-9
Қониқарли	Тизим бошқарилади, тарбия жараёнининг интеграл диагностикаси йўлга қўйилган, юзага келувчи маънавий-ахлоқий муносабатларни тартибга солади. Тизим элементларининг ўзаро уюшганлик даражаси ва улар бажарувчи вазифалар натижадорлиги яхши. Қўлланилаётган тарбия методикаси ва технологиялари қўйилган вазифага мос. Тизимнинг барча элементлари кўзда тутилган ўз вазифаларини бажаради. Тизим талабалар маънавий-ахлоқий тарбиясини таъминлайди.	8-6
Қониқарсиз	Тизим қийинчилик билан бошқарилади. Тарбия жараёнлари натижадорлиги қайд қилинмаган. Тизим элементларининг уюшқоқлик даражаси паст, тизимнинг элементлари ўз функцияларини бажаришмайди. Тарбия методикаси ва технологиялари кам самарали. Тизим талабалар тарбияланишини қийинчилик билан таъминлайди.	5-4
Салбий	Тизим бошқарилмайди. Тарбия натижадорлиги ўрганилмайди. Тизим элементларининг уюшқоқлиги бузилган, тизимнинг алоҳида элементлари ўртасидаги алоқа бузилган. Тизимнинг аксарият элементлари ўз функцияларини бажармайди. Тарбия методикалари ва технологиялари эски. Тизим фаолиятида дезинтеграцион тенденциялар мавжуд, талабаларнинг ўзаро муносабатларида бегоналашув, бефарқлик мавжуд.	3-0

Идентив тарбиявий мақсадлар таълим-тарбия жараёнининг эришилган реал натижаси сифатида талабаларнинг хулқида намоён бўлади. Маълумки, хатти-ҳаракатлар ички (фикрий) ва ташқи (хулқ) кўринишларда намоён бўлади. Масалан, талаба муайян фазилатни таърифлайди, тушунтиради, ёритади, бажаради, таҳлил этади, фарқлайди, исботлайди, баҳолайди, хулқ-атвор тарзини лойиҳалайди, муҳокама қилади, қўллайди, тасдиқлайди ва амалга оширади. Муайян вазиятларда фикрий хатти-ҳаракат «юзага чиқиб» ташқи хатти-ҳаракатга айланади. Талабаларнинг хулқи ўз навбатида педагогик тизим натижалари интеграциясини ифодалайди.

Шунга кўра, профессор-ўқитувчилар тарбиявий тадбир, машғулот, дарс лойиҳасини тузганда идентив ўқув мақсадларини белгилаш билан бир қаторда шу материални ўрганишдан кўзланган ва кафолатли натижага эришувни таъминловчи идентив тарбия мақсадларини белгилаб, уларга мувофиқ амалий фаолиятни йўлга қўйишлари тақозо этилади.

Талабалар тарбиясига тизимли ёндошувни қўллашнинг бир-бирига боғлиқ ва алоқадор қисмлари, унинг мезонлари, кўрсаткичлари, тамойиллари борасидаги фикрларимизни иккинчи мақоламизда баён қиламиз.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. –Т.: Ўзбекистон, 2010. – 227 б.

2. Кудрявцев Ю.М. и др. Основные принципы и закономерности функционирования и развития воспитательной системы высшего учебногозаведения // Вестник КНИТУ. – 2012. - № 8. - С. 451–458.

3. Караковский В.А. и др. Воспитание? Воспитание… Воспитание! Теория и практика школьного воспитания. – М.: Новая школа, 1996. – 155 с.

Андижон давлат университети,
2018 йил 5 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. М.Ортиқова)